

Ҳар бир инсон фаровонлиги учун!

Birgalikda ijtimoiy davlat saril!

№38-39

Maxeyc con

2024-yil

25-sentabr, chorshanba

1918-yil

21-iyundan chiqa boshlagan



O'zbekiston Ovozi

Ijtimoiy-gazeta

t.me/uzbekiston_ovozi_gazetasi

facebook.com/uzbekiston_ovozi

uzbekiston_ovozi

www.uzbovozi.uz

info@uzbovozi.uz



✓ Сайлов — 2024

ҲАР БИР ИНСОН ФАРОВОНЛИГИ УЧУН ИНТИЛАМИЗ!

Ўтаётган ҳар бир кун бизни муҳим сиёсий жараёнга, сайловга яқинлаштирмоқда. Сайловолди тарғиботи бошланди.

Юртимизда биринчи марта аралаш тизим асосида ўтадиган парламент ва маҳаллий Кенгашларга сайловлар партияимиз учун, барча номзодларимиз учун катта масъулиятдир. Сайловчилар, халқимиз олдида имтихондан ўтаимиз.

Кучли рақобат, юқори талабчанлик сайловига Халқ демократик партияси янги ғоя ва ташаббуслари билан кириб келди. Сайловолди дастуримизда 10 йўналишда 150 дан ортиқ аниқ таклифлар бор. Уларнинг барчаси аъзоларимиз, фаолларимиз, кенг жамоатчилик вакиллари, сайловчилар фикр ва таклифларига асосланган.

Дастуримиз ва номзодларимиз фаол қўллаб-қувватланиши умидида қатъий ҳаракат қиламиз. Ҳар бир инсон фаровонлиги, жамиятимиз равнақи йўлида курашамиз.

Номзодларимиз юрт ҳурматини қозонган, давлат бошқарувида фаол иштирок этаётган етуқ шахслар, олимлар, педагоглар, ҳуқуқшунослар, турли соҳаларда ўз касбининг усталари, Ватанимизнинг муносиб фарзандларидир.

Халқимиз, сайловчилар жараёнларда фаол бўлишига ишонамиз.

Шу ўринда сафдошларимиз, хайрихоҳларимиз ва номзодларимизга фидойилик, куч-қувват ва муваффақиятлар тилаймиз!

Улғбек ИНОЯТОВ,

Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши раиси.

ФАРҒОНАДА ДУНЁ ТЕННИСЧИЛАРИ ЎЙНАМОҚДА

Фарғонада Халқаро теннис федерацияси мусобақалари таквимида жой олган ўсмирлар ўртасидаги J100 таснифига кирувчи халқаро турнир ўтказилмоқда.

Ушбу нуфузли мусобақада мамлакатимиз теннисчиларидан ташқари Хитой, Ҳиндистон, Ҳон Конг, Қозғистон каби давлатлардан келган теннисчилар рақобатлашмоқда. Мазкур мусобақанинг яққалик баҳслари илк даврасида Бехрузжон Бахшиллаев, Абдулазиз Усмонжонов, Сухроб Саидов, Мадинахон Солижонова, Эмилий Ким каби теннисчиларимиз ғалаба қозонди.

Жуфтлик учрашувларида эса Нуриддин Бахтиёров ва Имрон Ҳайтбоев тандеми нейтрал теннисчилар Михаил Ходорченко ва Павел Сквортков жуфтлигини 6:2, 3:6, 10:8 ҳисобида енгди. Опа-сингил Эмилий ва Кеира Ким (Ўзбекистон) дуэти нейтрал теннисчи Арина Малигина ва ҳамюртимиз Сабрина Олимжоновага қарши кортга чиқиб, 0:6, 4:6 ҳисобида мағлубиятга учради.

Шунингдек, қизлар ўртасидаги жуфтлик баҳсларида ҳамюртларимиздан Нигина Алимова ҳамда Злата Чиннова Ҳиндистонлик Ришитҳа Реддий, хитойлик Пейен Денгни 4:6, 6:4, 10:5 ҳисобида мағлуб этди. Шу тариқа жуфтлик босқичида ғалаба қозонган теннисчиларимиз чорак финалга йўл олди.

Жавоҳир Тошҳужаев,
ЎЗА.

ТАРҒИБОТНИНГ БОШЛАНИШИ ЗЎР



Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари сайлови кампанияси тобора ҳал қилувчи паллага кирмоқда. Шу кунларда юртимиз бўйлаб ушбу муҳим сиёсий тадбирнинг энг асосий иштирокчилари бўлган сиёсий партиялар сайловолди ташвиқотини фаол олиб бормоқдалар.

Сайлов қонунчилиги талаб-меъёрларига мувофиқ ўтказилаётган ташвиқот тадбирлари тизим қонунчилиги ва амалиётдаги ижобий ўзгаришларни ўзида акс эттириб, ўзаро рақобат ва демократик тамойилларнинг кучайиб бораётганини кўрсатмоқда.

O'zbekiston

XDP

Xalq demokratik partiyasi

IJTIMOIIY Davlat UCHUN!

XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI VA UNING NOMZODLARIGA

OVOZ BERING!

SAYLOV – 2024

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси,
Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар
Кенгашларига 2024 йилда ўтадиган сайловларда Ўзбекистон Халқ демократик партияси

САЙЛОВОЛДИ ДАСТУРИ

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ЎЗ ДАСТУРИЙ МАҚСАДЛАРИНИ АВВАЛО, ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ, ИЖТИМОЙ ТЕНГЛИК ВА ИЖТИМОЙ АДОЛАТ ТАМОЙИЛЛАРИНИ ЮЗАГА ЧИҚАРИШ ОРҚАЛИ “ЎЗБЕКИСТОН – ИЖТИМОЙ ДАВЛАТ” ТАМОЙИЛИНИ ВА ДАВЛАТНИНГ ТЕГИШЛИ ИЖТИМОЙ МАЖБУРИЯТЛАРИНИ САМАРАЛИ АМАЛГА ОШИРИШ КАБИ УМУММИЛЛИЙ МАНФААТЛАР УСТУВОРЛИГИГА АСОСЛАНИБ БЕЛГИЛАЙДИ.

САЙЛОВЛАРДАН СЎНГ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ КЕНГАШЛАРИДАГИ ДЕПУТАТЛАРИМИЗ ЯҚИН 5 ЙИЛ ИЧИДА УШБУ МАҚСАДГА ЭРИШИШ ЙЎЛИДА ҚЎЙИДАГИ УСТУВОР ВАЗИФАЛАР ҲАМДА ТЕГИШЛИ АНИҚ ҚАДАМЛАРНИ АМАЛГА ОШИРАДИ.



I. КУЧЛИ ИЖТИМОЙ СИЁСАТНИ АМАЛГА ОШИРИШГА ИНТИЛАМИЗ! БУ ИЖТИМОЙ БАРҚАРОРЛИКНИНГ ТАЯНЧИДИР!

Мақсадимиз – ҳар бир инсон учун ижтимоий тенглик ва адолат тамойиллари асосида муносиб яшаш шароитини яратиш, ижтимоий тафовутларни камайтириш, муҳтожларга ёрдам бериш, камбағалликни қисқартириш, аҳолини янги иш ўринлари ва кафолатли даромад манбаи билан таъминлаш бўйича самарали сиёсатни амалга ошириш. Шу боис, давлат аҳоли манфаатларини тўлақонли таъминлаш мақсадида кучли ижтимоий сиёсат юритиши лозим, деб ҳисоблаймиз.

Ана шу мақсадларга эришиш учун партия кейинги беш йиллик учун қўйидаги 15 та стратегик қадамдан иборат устувор вазифаларни белгилаб олган:

1
ҚАДАМ

Ҳар бир шахснинг Конституция билан кафолатланган ижтимоий ҳуқуқларини адолатли ва самарали амалга оширилишини таъминлаш

Парламентдаги фракциямиз ижтимоий таъминот ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасидаги қонун ҳужжатларини янги нормалар билан тўлдириш орқали Ижтимоий кодексни ишлаб чиқиш ва қабул қилишга эришади.

Шу мақсадда:

- имтиёзга эга бўлган фуқаролардан ташқари бошқа оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган фуқаролар тоифаларини ва уларга кўрсатиладиган ёрдам турларини қонунчиликда аниқ белгилаш;
- аҳолининг заиф қатламларига ижтимоий хизматлар кўрсатишда давлат-хусусий шериклик, ижтимоий тадбиркорликни амалга

оширишнинг процессуал механизмлари ва ижтимоий хизматлар шартномасини тузиш тартибини ишлаб чиқиш;

- жамиятда ижтимоий кескинликнинг кучайишига олиб келиши мумкин бўлган муаммоларни аниқлаш ва ўз вақтида ҳал қилишга қаратилган ижтимоий диагностикани амалга ошириш тартибини ишлаб чиқиш зарур.

Ҳар бир инсоннинг бирламчи ҳаётини эҳтиёжларига етарли энг кам истеъмол харажатларини қонун даражасида белгилаш мақсадида “Энг кам истеъмол харажатларини белгилаш тартиби тўғрисида”ги Қонунни қабул қилишга интиламиз.

2
ҚАДАМ

Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш

Парламентдаги фракциямиз ва маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳларимиз миллий қонунчиликни БМТнинг Ногиронлар учун тенг имкониятларни таъминлаш бўйича стандарт қоидаларига тўлиқ мувофиқлаштиришга эришади. Шу жумладан:

- ногиронлар учун объектлар ва хизматларнинг қулайлиги миллий стандартларини ишлаб чиқиш ҳамда “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”ги Қонунининг алоҳида қисми сифатида қонун даражасида мустаҳкамлашга;

- ўзгалар парваришига муҳтож бўлган 18 ёшгача болаларнинг касалликларини рўйхатини кенгайтириш (мушаклар дистрофияси

(миодистрофия), мияча эрта атаксияси, зўрайиб борувчи ирсий атаксия сингари кабиларни киритиш) орқали доимий парваришга муҳтож бўлган болаларни парваришга оилаларни давлат томонидан ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштиришга;

- ногиронлиги бўлган шахслар ҳаракатланиши учун қўшимча имкониятлар яратиш, шу жумладан, темир йўл вокзаллари, аэропорт ва шохбекатларда кўзи оғирлар учун электрон ахборот эшитиш мосламаларини, светофор ва махсус йўлақларда ногирон шахсларни оғоҳлантирувчи овозли электрон жиҳозларни ўрнатишга интиламиз.

ДАСТУР ҲАҚИДА

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ўз дастурий мақсадларини аввало, ижтимоий ҳимоя, ижтимоий тенглик ва ижтимоий адолат тамойилларини юзага чиқариш орқали “Ўзбекистон – ижтимоий давлат” тамойилини ва давлатнинг тегишли ижтимоий мажбуриятларини самарали амалга ошириш каби умуммиллий манфаатлар устуворлигига асосланиб белгилайди.

Сайловлардан сўнг Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари Кенгашларидаги депутатларимиз яқин 5 йил ичида ушбу мақсадга эришиш йўлида қўйидаги устувор вазифалар ҳамда тегишли аниқ қадамларни амалга оширади.



3
ҚАДАМ



Давлат пенсия таъминоти тизимини такомиллаштириш



Барча фуқаролар учун пенсия ва ижтимоий нафақалар инсоннинг ҳаётий эҳтиёжларини тўлақонли қондиришга етарли бўлишига эришамиз. Шу мақсадда қуйидагиларни қонун даражасида тартибга солиш зарур, деб ҳисоблаймиз:

- собиқ жамоа хўжалиги ва ширкат хўжалигида меҳнат фаолиятини юритган фуқароларнинг меҳнат фаолиятлари даврларини тўлиқ йил сифатида инобатга олиш;
- аёлларга пенсия тайинлаш учун зарур бўлган иш стажига боласи 3 ёшга тўлгунча уни парваришда таътилларида бўлиш вақтини тўлиқ қўшиб ҳисоблаш;
- туғма ногиронларни, ўзгаларнинг парваришига муҳтож бўлган 80 ёшга тўлган қарияларга қараб келаётган кишиларга ёшга доир пенсия таянч миқдорини олишга

- бўлган чекловни бекор қилиш;
- эр ёки хотини вафот этганда ҳамда вафот этган шахс кўпроқ пенсия олган тақдирда, ушбу пенсияни унинг ҳаёт бўлган турмуш ўртоғига ўтказиб бериш (пенсияни алмаштириш) тартибини жорий этиш;
- фуқароларни жамғариб борилаётган пенсия маблағларини бошқариш, шу жумладан, уларни доимий равишда онлайн равишда кузатиш, банкка депозитга қўйиш орқали кўпайтириб бериш имкониятини бериш;
- пенсияга чиқиб, камида беш йил ишлаб, даромад солиғи ва ижтимоий солиқни тўлаган пенсионерлар учун муқаддам тайинланган пенсияни қайта ҳисоблаб, оширилган миқдорда тайинлаш имкониятини бериш;
- пенсиянинг ёшини ўзгартирмасдан сақлаб қолиш бўйича сиёсатни давом эттириш.

II. БИЗ АҲОЛИНИ АРЗОН УЙ-ЖОЙ ВА СИФАТЛИ КОММУНАЛ ХИЗМАТЛАРИ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ТАРАФДОРИМИЗ!

Ўзбекистон Марказий Осиёнинг аҳоли энг зич яшайдиган мамлакати ҳисобланади. Табиийки, тез ўсувчи демография давлат олдида одамларни уй-жой билан таъминлаш масаласини қўяди. Бу борада мамлакатимизда кейинги йилларда аҳолини арзон уй-жой билан таъминлаш борасида, шу жумладан, партиямиз ташаббуси билан кенг қўламли ислохотлар амалга оширилди. Хусусан, давлат уй-жой сиёсати ва концепциялари қабул қилинди, ижтимоий давлат тамойилининг муҳим белгиси сифатида оилавий болалар уйлари билан битирувчиларини, ногиронлиги бўлган шахсларни, кам таъминланган оилаларни, айниқса, алоҳида ёрдамга муҳтож хотин-қизларни уй-жой билан таъминлаш, уларга субсидиялар бериш, уйлarning дастлабки бадалларини тўлаб бериш, имтиёзли ва узоқ муддатли ипотека кредитлар бериш каби маълум бир чоралар кўрилмоқда. Партия ушбу соҳада амалга оширилаётган ишлар етарли эмас, деб ҳисоблайди ва уларни қаррасига кенгайтириш кераклигини таъкидлайди.



Бу борада партия фуқароларнинг Конституция билан кафолатланган ҳар кимнинг уй-жойли бўлиш ҳуқуқини таъминлаш, бунинг учун арзон уй-жой қурилишини кенгайтиришга қатъий ҳаракат қилади.

5
ҚАДАМ



Аҳолига сифатли коммунал хизмат кўрсатиш даражасини ошириш

Шунингдек, партия иқтисодиёт ривожланиши, аҳолининг кайфияти, ҳаётга муносабатини белгилашда коммунал соҳа, энергетика ҳолати муҳим аҳамиятга эга, деб билади. Биз энергетика ва моддий ресурсларнинг катта йўқотишларига йўл қўймаслик, коммунал хизматлар етказиб берувчиларнинг монополиясига барҳам беришни кўзлаганмиз.

Шу мақсадда парламентдаги фракция-миз:

- коммунал хизматлар ва уй-жой фондидан фойдаланиш бўйича хизматлар нархлари ва тарифларни белгилашни тартибга солиш мақсадида “Коммунал хизматлар нархлари ва тарифларни тартибга солиш тўғрисида”ги Қонунни қабул қилиш.
- Қонунда кўп квартиралли уй-жой фондини бошқариш ва унга хизмат кўрсатиш усулларини қайта кўриб чиқиш, кўп квартиралли уйлarning жойлашуви, муҳандислик-коммуникацияларига уланганлик ҳолати, коммунал инфратузилма объектлари ва ободонлаштириш элементларининг мансублигига қараб хизмат кўрсатишни ташкил этиш, кўп квартиралли уйлари бошқариш органлари ходимларини, биринчи галда,

раҳбар ходимларнинг малака ошириш тизимини йўлга қўйишни назарда тутиш;

- кўп қаватли уйларга туташ бўлган жойларда замонавий болалар майдончаларини қуриш, реконструкция қилиш ва сақлаш учун Уй-жой мулкдорлари ширкатлари ва бошқарув сервис компанияларини масъул этиб белгилаш;
- бошқарув сервис компаниялари фаолиятига қўйилган талабларни кучайтириш, уларни аҳолига сифатли хизмат кўрсатиши, шаффофлик, ҳисобдорлик даражасини, камчиликларни қисқа муддатларда бартараф этиш салоҳиятини ошириш;

– фуқаро коммунал хизматлардан асоссиз ёки таъминотчининг айби билан узилган тақдирда таъминотчи томонидан фуқарога компенсация тўлаш тизимини жорий этиш бўйича тақлифлар киритади.

Бу борада маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳларимиз аҳолини арзон электр энергия, иссиқлик ва иссиқ сув тизими билан таъминлаш бўйича ҳудудий инвестиция дастурларини, жумладан, жойларда давлат-хусусий шериклик тартибида дастурларни амалга ошириш бўйича тақлифлар киритади.

O'zbekiston

ХДР

Xalq demokratik partiyasi

Har bir inson Farovonligi uchun!

XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI VA UNING NOMZODLARIGA OVOZ BERING!

4
ҚАДАМ



Аҳолини арзон уй-жой билан таъминлаш ҳамда қурилиш соҳасида самарали назоратни таъминлаш



Биз камбағалларга жумладан, ногиронлиги бўлган шахслар, ногирон фарзандларни тарбиялаётган ота-оналар, оғир ижтимоий аҳволга тушган аёллар учун арзон уй-жойлар қурилишини янада кўпайтириш тарафдоримиз.

Ушбу масалани ҳал этишда қуйидагиларни амалга ошириш лозим:

- “Ижтимоий турар жойлар тўғрисида”ги Қонунни қабул қилиш, унда ҳашаматли уй-жойларни барпо этаётган қурилиш компаниялари ва тижорат банклари даромадидан мажбурий ажратмалар эвазига махсус жамғармалар ташкил этиб, аҳолининг ижтимоий ёрдамга муҳтож қатламлари, жумладан, уй-жойсиз, яшаш шароити ўта оғир, ногиронлиги бўлган ёки оила аъзолари орасида ногиронлиги мавжуд аёллар, оилавий болалар уйлари битирувчилари учун ижтимоий турар жойлар қуришни назарда тутиш;
- “Улуш киритиш асосида уй-жой қуришда иштирок этиш тўғрисида”ги Қонунни қабул қилиш;
- қурилиш соҳасида жамоатчилик назоратини кучайтириш учун Қурилиш соҳасида назорат қилиш инспекцияси томонидан аҳолига руҳсат этилган қурилишларга оид узил-кесил маълумот бериш мажбуриятини юкляш;
- қурилишлар устидан давлат назорати

кучайтириш, қурилиш жараёнларини тартибга солиш, аҳолига ва атроф-муҳитга зарарсиз тартибда ташкил этиш, қурилишларда шовқин ва чанг-тўзон даражасини ўлчаш тизимини йўлга қўйиш;

- қурилишга оид талабларни кучайтириш, шу жумладан, қурилишларда яшил зона, мактаб, боғча, поликлиника, автотураргоҳ кабиларни инобатга олиш бўйича талабларни қонун даражасида қатъий белгилаш;

– қурилишлар бўйича жамоатчилик муҳокамаси тизимини йўлга қўйиш мақсадида онлайн муҳокама платформасини ишлаб чиқиш;

- эскирган ва яроқсиз биноларни янгиллаш (реновация) жараёнини фуқаролар оиласига, мулкига, ҳаётий хотиржамлигига путур етказмаган ҳолда ташкил этиш, реновацияга тушган уйлarda яшаётган инсонлар, айниқса, нурунийлар, ногиронлиги бўлган шахслар, болаларнинг ҳуқуқлари, қонуний манфаатларини эътиборга олинишни таъминлаш, ушбу жараёндаги фуқаролар харажатларини қоплаш учун махсус реновация жамғармасини ташкил этиш;

– фуқароларга бозордаги мавжуд тақлифлар бўйича маълумотга эга бўлиш, уй-жой сотиб олиш, ижарага бериш ва уй-жойларга техник хизмат кўрсатишга мўлжалланган ягона дастурий платформа-ни жорий этишга эришамиз.

III. ШАҲАРЛАР ВА АҲОЛИ ЯШАШ ПУНКТЛАРИНИНГ ХАВФСИЗЛИГИ ВА ЭКОЛОГИК БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШГА ЭРИШАМИЗ



Партия шаҳарлар ва аҳоли пунктларининг тарихий қиёфасини сақлаш, табиий ресурсларини муҳофаза қилиш бўйича ўз саяҳат-ҳаракатларини кучайтиради.

6
ҚАДАМ



Мамлакатни хавфсиз ва экологик барқарор ҳудудга айлантириш

Ушбу мақсадда қуйидаги чораларни кўриш зарур, деб ҳисоблаймиз:

- сувдан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солиш учун Сув кодексини қабул қилиш, унда, сув ресурсларидан фойдаланишда бозор тамойилларини жорий этиш, сув ҳўжалигини тартибга солиш ва молиялаштириш механизмларини белгилаш;

- кўп қаватли уйларга туташ майдонларда кексаларнинг фаол дам олиши ҳамда жисмоний машқлар учун "Саломатлик боғлари"ни ташкил этиш;

- урбанизация ва бошқа санат марказларини ташкил қилишда уларнинг қишлоқ кўриниши, ландшафти ва инфраструктурасига салбий таъсирини чеклаш мақсадида "Қишлоқ кўриниши ва ландшафтини сақлаш тўғрисида"ги Қонунни қабул қилиш;

- кўп қаватли уйларга туташ майдонларда ўзбошимча қурилишларни чеклаш ҳамда умумий фойдаланишдаги жойларни тўсганлик учун жавобгарликни кучайтириш;

- давлат яйлов ҳўжаликлари тизимини йўлга қўйиш, уларга нисбатан давлат ўрмон ҳўжаликларига қўлланиладиган ер ва солиқ имтиёзларини қўллаш, бунда ушбу имтиёзлар ҳисобидан иқтисод қилинадиган



Фармацевтика соҳасида давлат назоратини кучайтириш, дори-дармон ва протезлаш воситалари ҳамда бошқа тиббий-ижтимоий хизматлар нархларини тартибга солиш

8
ҚАДАМ



Партиямиз парламент, депутатлик ҳамда жамоатчилик назорати ёрдамида эҳтиёжманд аҳолига дори-дармон воситалари, протезлаш воситалари ва бошқа тиббий-ижтимоий хизматларни харид қилиш қўлай бўлиши учун курашади. Шу мақсадда парламентдаги фракциямиз ва маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳларимиз:

- дори ва тиббий буюмларнинг нархлари бўйича чекловларни белгилаш бўйича "Дори-дармонлар ва тиббий воситалар нархларини давлат томонидан тартибга солиш тўғрисида"ги Қонунни қабул қилиш;

- фармацевтика соҳасида, хусусан, дори воситалари сифати, дорихонадан чиқарилиш тартиби ва савдосида давлат назоратини кучайтириш;

- янги дори воситаларини синовдан ўтказиш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти

талаблари асосида такомиллаштириш;

- ижтимоий дорихоналар фаолиятини янада такомиллаштириш ва фармацевтика соҳаси устидан давлат ва жамоатчилик назоратини кучайтириш;

- соғлиқ учун зарарли маҳсулот гуруҳларига солиқ юкини ошириш ва шу орқали соғлиқни сақлаш соҳасини қўллаб-қувватлаш интенсивлигини ошириш;

- мамлакатда ош тузи ишлаб чиқаришга қўйиладиган талабларни кучайтириш, жумладан, йодлаштирилмаган ош тузини ишлаб чиқарувчиларга нисбатан жазо чораларини қўллаш;

- замонавий тиббиёт ва халқ таботатини қўшган ҳолда даволаш стандартларини (протоколларини) жорий этиш орқали дорига қарамликни камайтириш;

- дори воситаларининг рекламасини буткул тақиқлашни тақлиф қилади.



IV. БИЗ БАРЧА УЧУН МАЛАКАЛИ ТИББИЙ ХИЗМАТ ИМКОНИАТЛАРИНИ ЯРАТИШ ТАРАФДОРИМИЗ!

Партия аҳолининг қайси ҳудудда яшашидан қатъи назар давлат томонидан кафолатланган тиббий хизмат олиши, соғлиқни сақлаш тизимини тўлиқ рақамлаштириш орқали соҳада шаффофликни таъминлаш тарафдори. **Тиббий ёрдам сифати, айниқса, кам таъминланган аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш тармоғини ривожлантиришда қуйидагиларни устувор йўналишлар, деб ҳисоблаймиз:**

7
ҚАДАМ



Малакали тиббий хизматдан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш

Бу борада партия қуйидагиларни устувор вазифалар сифатида белгилайди:

- тиббий сўғуртани жорий этишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш мақсадида "Давлат тиббий сўғурта тўғрисида"ги Қонунни қабул қилиш;

- вилоятларнинг кўп тармоқли тиббиёт ва тиббий диагностика, болалар кўп тармоқли тиббиёт марказлари ҳамда туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаларини замонавий тиббиёт техникаси ва технологиялари ҳамда тегишли мутахассислар билан таъминлаш бўйича дастур қабул қилиш;

- касалликни барвақт аниқлаш орқали унинг салбий оқибатларини юмшатишга эришиш мақсадида аҳолини скрининг қилиш кўламини кенгайтириш чораларини кўраш.

Шунингдек, партиямиз кексаларга сифатли тиббий



хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштиришга устувор аҳамият қаратади, шу мақсадда:

- кекса ёшдаги фуқароларга тиббий ижтимоий хизмат кўрсатиш тизимини модернизация қилиш ва ривожлантириш;

- кексалар ва онкологик касаллар учун сифатли хизмат кўрсатишнинг юқори

стандартларини таъминлашга қаратилган хоспис тизимини ривожлантириш ва "Хоспис хизматини кўрсатиш тўғрисида"ги Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш;

- соғлом қариш бўйича стратегияни илгари суриш орқали барча соҳаларда кекса одамларнинг фаол иштирокини рағбатлантириш.

O'zbekiston

ХДР
Xalq demokratik partiyasi

ИЖТИМОИЙ
Davlat
UCHUN!

XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI
VA UNING NOMZODLARIGA

OVOZ BERING!



Биз фуқаролар барча таълим муассасаларида сифатли мактабгача, ўрта, олий таълим, шунингдек, касбий таълим олиши, малакасини ошириши учун тенг имкониятлар яратишга эришмоқчимиз

Умумий ва касбий таълимда аҳолининг барча қатламларига тенг имкониятлар яратиш учун қуйидаги чораларни кўриш зарур, деб ҳисоблаймиз:

- "Ягона ижтимоий реестр"да рўйхатга олинган оила фарзандларини давлат мактабгача таълим ташкилотларига тўланадиган ота-оналар тўловидан озод қилиш;
- давлат умумтаълим мактабларининг бошланғич синфларида қуни узайтирилган гуруҳлар фаолиятини ташкил этиш, бунда "Ягона ижтимоий реестр"да рўйхатга олинган оила фарзандлари учун енгилликлар бериш;
- "Саломатлик мактаби" ижтимоий лойиҳасини кенг амалга ошириш ташаббуси билан чиқиш;
- мактаб ўқувчиларига жамоат транспортдан фойдаланиши учун табақалашган тарифларни жорий этиш;
- мактабларда овқатлантириш тизими устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш, соғлиқ учун зарарли озиқ-овқат маҳсулотлари сотилишининг олдини олиш, сифатсиз маҳсулот тарқатганлик учун жавоб-

- 9-синфдан кейинги таълимни танлов асосида олий таълимга ёки касбга йўналтириш тизимини йўлга қўйиш, бунда олий таълимга иштиёқи бўлмаган ёшларга уларнинг ихтиёрига қўра муайян касбни ва хорижий тилни чуқурлаштириб ўргатиш;
- норасмий ва информал таълим натижаларини ўрта махсус, профессионал ва бакалаврият даражасида тан олиш тартибини йўлга қўйиш орқали расмий профессионал ёки олий таълим ололмаган шахслар учун мустақил равишда таълим олиш ва касб эгаллаш орқали ўз ижтимоий ҳолатини ўнглашига шарт-шароит яратиш;
- биринчи синфга турли сабабларга қўра кеч борган болалар учун тезлаштирилган таълим берган ва давлат таълим стандартлари асосида имтиҳон ўтказган ҳолда ўзининг ёшига муносиб юқори синфга ўтказиш тартибини жорий этиш;
- сунъий интеллект бўйича мутахассисларни тайёрлаш дастурларини қабул қилиш ҳамда ушбу соҳада ўқитишни қўллаб-қувватлаш;



- гарликни кучайтириш;
- бошланғич синфларда ўқувчилар сонини 20 нафардан оширмаслик, катта синфларда эса 24 тагача ўқувчи ўқитиш тизимини яратиш;
- олий таълим муассасаларида ногиронлар билан ишлаш бўлимларини ташкил этиш, улар учун барча инфратузилмаларни яратиш, шу жумладан, ўқув машғулотларига карсоқов талабалар учун сунъий интеллектдан фойдаланган ҳолда сурдо шарҳловчиларни жалб этиш;
- олий таълим учун контракт-тўлов миқдорини давлат томонидан қатъий белгилаш ва уларни уч йилдан кам бўлмаган муддатда

- таълим олиш танловини кенгайтириш, рақобатни кучайтириш ҳамда таълим сифатини ошириш воситаси сифатида олий таълимда таълим ваучери тизимини жорий этиш;
- Болаларни Интернет тармоғида хавфсизлигини таъминлаш бўйича миллий стратегияни қабул қилиш, болаларни киберхавфсизлик асослари, жумладан, онлайн фирибгарлик, онлайн таҳдидларни аниқлаш ва улардан ҳимоя қилиш бўйича ўқув дастурларини жорий этиш;
- охириги беш йилликда хорижий мамлакатларда чоп этилган йирик илмий-тадқиқот натижаларини ўзбек тилига таржима қилиш ҳамда педагоглар ва тадқиқотчилар учун



- қайтадан кўриб чиқишни тақиқлаш;
- талабаларни ётоқхонадан жой билан таъминлаш бўйича олий ўқув юртларига қўйиладиган талабларни кучайтириш ва давлат-хусусий шерикчилиги асосидаги ётоқхоналар тизимини яратиш;
- йирик корхоналар, айниқса, аёллар меҳнатига ихтисослаштирилган ишлаб чиқарувчи ташкилотлар қошида оилавий мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини йўлга қўйиш орқали корхонада ишловчи аёллар учун муносиб шароитларни яратиш, оиладаги ижтимоий муҳитни барқарорлаштириш;
- инклюзив таълимни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, инклюзив таълимга жалб этилган болалар қармовини ошириш;
- мактаблар ўқув дастурларида чет тиллар ва IT бўйича ўқув соатларини кескин кўпайтириш орқали мактаб битирувчиларининг меҳнат бозоридаги рақобатбардошлигини ошириш;

- очик ресурсларда жойлаштириб боришнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланадиган тизимини жорий этиш;
- олий таълимдан кейинги босқичда илмий-тадқиқотчилар учун турли бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, соҳани рақамлаштириш, очиклик ва шаффофликни таъминлаш, далолатнома ва маълумотнома олиш, авторефератни нашр этиб тарқатиш каби жараёнларни соддалаштириш.
- Шунингдек, партиямиз кутубхона, музейлар фаолиятини яхшилаш бўйича ташаббусларни ҳам илгари суради. Хусусан, кутубхоначиларга илғор хорижий тажриба асосида кутубхоначи-педагог мақомини бериш, улар фаолиятини рағбатлантириш механизмларини ишлаб чиқиш, кутубхоналар фаолиятига сунъий интеллектни жорий этиш, музейлар фаолиятини яхшилаш бўйича қўшимча чораларни кўриш лозим, деб ҳисоблаймиз.

БОЛАЛАРНИ ИНТЕРНЕТ ТАРМОҒИДА ХАВФСИЗЛИгини таъминлаш бўйича миллий стратегияни қабул қилиш, болаларни киберхавфсизлик асослари, жумладан, онлайн фирибгарлик, онлайн таҳдидларни аниқлаш ва улардан ҳимоя қилиш бўйича ўқув дастурларини жорий этиш.



Спорт ва маданиятни қўллаб-қувватлаш ва оммалаштириш

Партиямиз аҳолини спортга оммавий жалб қилишни соғлиқни сақлаш тизимининг муҳим қисми, деб ҳисоблайди. Бу йўналишда:

- воркаут тизимини оммалаштириш орқали болаларни спорт билан бепул шугулланишлари учун шароит яратиш лозим;
- Ўзбек маданияти ва тарихини тарғиб қилувчи видеоўйинларни, ўзбек афсоналари ва тарихий персонажлари иштирокидаги видео қахрамонларни яратишни рағбатлантириш зарур, деб ҳисоблаймиз.



V. БИЗ ЁШЛАРНИНГ СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ОЛИШИ ТАРАФДОРИМИЗ. БУ МАМЛАКАТИМИЗ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ САЛОҲИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШ КАФОЛАТИДИР!

Биз Ўзбекистонни ҳар бир бола қаерда ва қайси оилада туғилганидан қатъи назар, ўз орзуларига эриша оладиган, кимнингдир тараққиёти унинг моддий аҳволига эмас, фақат билими, иқтидори, меҳнатсеварлигига боғлиқ бўлган мамлакатга айлантиришга интиламиз. Билим олмоқчи бўлган ҳар бир ёшни ўз тақдирини яхшилашга интиладиган шахс ва миллатнинг келажақдаги муваффақиятлари кафолати бўлган фуқаро сифатида кўрамыз.



VI. ИЖТИМОЙ ЙЎНАЛТИРИЛГАН БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ – КУЧЛИ ИЖТИМОЙ СИЁСАТНИНГ АСОСИДИР!

Биз ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти тарафдоримиз. Иқтисодий сиёсатнинг ижтимоий самарадорлигини таъминлаш, иқтисодиётда давлатнинг асосий тартибга соловчи ролини кучайтириш зарур, деб ҳисоблаймиз.



Иқтисодиётда давлатнинг фаол роли ва иштирокини сақлаб қолиш, камбағалликни қисқартириш, солиқ қонунчилигини такомиллаштириш ҳамда банк-кредит соҳасини ривожлантириш



Партиямиз ушбу йўналишда қуйидагиларни тақлиф қилади:

- стратегик аҳамиятга эга компаниялар устидан давлат назоратини сақлаб қолиш, уларни хусусийлаштиришни қонун даражасида тақиқлаш;
- ишсизлик бўйича мажбурий ижтимоий суғурта миллий моделини жорий этиш;
- маҳаллий инвесторларни қўллаб-қувватлаш, шу жумладан, уларга хорижий инвесторлар билан бир хил имтиёзлар бериш;
- маҳаллий бюджет маблағлари ва хусусий инвестициялар ҳисобига импорт ўрнини босадиган озиқ-овқат маҳсулотлари ва кундалик эҳтиёждаги бошқа товарларни ишлаб чиқариш бўйича ҳудудий дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- вазирлик ва идоралар томонидан давлат хизматларини кўрсатиш ёки жарима солиш натижасида тушадиган барча тушумларни тўлиқлигича Давлат бюджетига йўналтириш;
- даромад ва уларнинг манбаларидан қатъи назар, бойликнинг ҳаддан ташқари концентрациясига адолатли солиқ солиш тизимини жорий қилиш.
- Интернет ва ижтимоий тармоқлар орқали блогерлар, вайнерлар, инфлюенсерларнинг тижорат ва реклама фаолияти учун даромад

- солиғини жорий этиш;
- 5 ёшгача бўлган болаларни парвариш-лаш ва озиқлантириш учун зарур бўлган маҳсулотларга қўшилган қиймат солиғини бекор қилиш;
- ўзини ўзи банд қилганлар ва меҳнат мигрантлари учун шарт-шароитларни яхшилаш, шу жумладан, ўзини ўзи банд қилган сифатида шўғулланиш мумкин бўлган фаолият турлари рўйхатини кенгайтириш, ташкиллаштирилган ва тартибли миграцияни амалга оширишга урғу бериш;
- давлат харидларининг шаффофлигини ошириш, ушбу соҳада жамоатчилик назоратини кучайтириш, давлат харидлари соҳасидаги барча тендерларни оммавий эълон қилинишини белгилаш, давлат харидлари соҳасидаги қонунчилик талабларини бузганлик учун жавобгарликни кучайтириш;
- иқтисодиётда таркибий ислохотларни амалга ошириш ва янги технологияларни жорий этиш, рақамлаштириш орқали бюрократик тўсиқларни, рухсат бериш тартиб-таомилларини қисқартириш жараёнларини жадаллаштириш;
- аҳолининг молиявий саводхонлигини ошириш бўйича дастур қабул қилиш.



VIII. ИЖТИМОЙ ТЕНГЛИК ВА ХАЛҚ ҲОКИМИЯТЧИЛИГИГА АСОСЛАНГАН ДЕМОКРАТИК БОШҚАРУВНИ АМАЛГА ОШИРИШ ТАРАФДОРИМИЗ!



Партия очик, шаффоф, халқчил ва демократик давлат бошқаруви тизимини жорий этиш тарафдоридир



Парламентдаги фракциямиз аҳолининг ижтимоий кайфиятига таъсир кўрсатувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг мажбурий жамоатчилик муҳокамаси ва экспертизаси механизминини яратишни кўзлаган.

Шу асосда биз аҳолининг заиф қатламларини манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш тартиби ва даражасини сезиларли даражада ўзгартирадиган қарорлар тегишли жамоатчилик розилигисиз қабул қилинмаслигини таъминлаймиз.

Партия ушбу йўналишда "Менинг фикрим" платформасини такомиллаштириш орқали фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришдаги иштирокини кенгайтириш ҳам муҳим аҳамиятга эга, деб ҳисоблайди.

Шу билан бирга партиямиз давлат бошқарувида юқори профессионализмни таъминлаш мақсадида қонун даражасида республика ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбари лавозимига фақатгина шу соҳада камидан ўн йиллик иш стажига эга бўлган малакали мутахассисларни тавсия этиш бўйича талабни белгилаш учун ҳаракат қилади.

Демократик ривожланган мамлакатлар тажрибасини ҳисобга олган ҳолда шунингдек, яна қуйидаги ғояларни амалга ошириш учун курашамиз:

- гендер тенглигининг институционал механизмларини ривожлантириш, аёлларнинг сайловларда, сиёсий партиялар фаолиятида иштирокини рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш, шу жумладан, давлат органларида раҳбарлик лавозимларида аёллар учун 50 фоизлик мажбурий квоталарни жорий этиш;
- ижро ҳокимияти томонидан муҳим ижтимоий қарорлар қабул қилишда сиёсий партиялар фракциялари ва жойлардаги партия гуруҳлари билан маслаҳатлашувлар

VII. ТОВАР ВА ХИЗМАТЛАР НАРХЛАРИНИНГ ИЖТИМОЙ МАҚБУЛЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ – МАНЗИЛЛИ ИЖТИМОЙ СИЁСАТНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШИ

Ижтимоий аҳамиятга эга товар ва хизматларнинг нархларини шакллантириш устидан давлат ва жамоатчилик назоратини қатъий ўрнатиш лозим. Шу мақсадда қуйидаги чораларни кўриш зарур:



Партия эҳтиёжманд аҳоли қатламининг кундалик зарур товар ва хизматлардан фойдаланишини таъминлаш учун курашади

Партиямиз шу мақсадда қуйидагиларни тақлиф этади:

- кам таъминланган аҳоли қатлами учун кундалик зарур товар ва маҳсулотларни арзон нархларда сотиш бўйича ижтимоий дўконлар тармоғини ривожлантириш;
- пенсия ва нафақа олувчиларга мамлакат бўйлаб саёҳат дастурларини ташкил этиш мақсадида туроператорлар арзон ва қизиқарли таклифларни яратиши учун солиқларни ноль ставкасида белгилашни жорий қилиш;
- аҳоли томонидан исрофгарчилик ҳолатларини камайтириш, кам таъминланган оилаларнинг қарзга ботиб кетишига чек қўйиш мақсадида тўйлар, дафн маросимлари ва бошқа оилавий тадбирларни ўтказишни қатъий тартибга солиш, ушбу тадбирлар учун ижтимоий меъёр белгилаш.
- истеъмолчи адашининг олдини олиш ва уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида маҳсулотни кредитга ёки бўлиб-бўлиб тўлаш асосида харид қилганда, унинг



яхшилаш;



ши, хусусан:

- аҳолига истеъмол кредити фоизлари тадбиркорлик учун тақлиф этилаётган бизнес кредити фоизларидан юқори бўлиши мумкин эмаслигини белгилаб қўйиш;
- ипотека кредити тўлови бўйича қарздорлик юзага келганлиги сабабли гаровга қўйилган кўчмас мулкни аукционда сотишдан олдин кредит олган шахсга уч ой муддатда ушбу кўчмас мулкни уч томонлама олди-сотиш шартномаси асосида ўзига қўлай нархда сотиш имконини бериш орқали мураккаб вазиятга тушиб қолган кредитор аҳволини

тўлиқ қийматини очиклаш талабини дўкон ва платформалар учун ҳам жорий этиш, бунда маҳсулот учун қўшимча тўлов суммасини шартномада ва сотувчининг савдо саҳифасида кўрсатишни мажбурий талаб сифатида белгилаш каби таклифларни илгари суради.

Партиямиз аҳолини арзон ва сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида ушбу соҳада давлат иштирокини кучайтириш, шу жумладан, давлат иштирокидаги қишлоқ хўжалиги ташкилотлари фаолиятини йўлга қўйишни тақлиф этади.

ПЕНСИЯ ВА НАФАҚА ОЛУВЧИЛАРГА МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ САЁҲАТ ДАСТУРЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МАҚСАДИДА ТУРОПЕРАТОРЛАР АРЗОН ВА ҚИЗИҚАРЛИ ТАКЛИФЛАРНИ ЯРАТИШИ УЧУН СОЛИҚЛАРНИ НОЛЬ СТАВКАСИДА БЕЛГИЛАШНИ ЖОРИЙ ҚИЛИШ.

Ўтказиш институтини жорий этиш;

- давлатнинг айрим функцияларини босқичма-босқич фуқаролик жамияти институтларига ўтказиш;
- сиёсий партиялар, уларнинг депутатлик бирлашмаларининг ҳуқуқ ва ваколатларини янада кенгайтириш;
- парламент ва маҳаллий Кенгашларга сайловларда ҳамда давлат фуқаролик хизматида "ногиронлиги бўлган шахслар учун квота" жорий этиш.


Давлат хизматининг жозибадорлигини ошириш, давлат хизмати соҳасида бошланган ислохотларни изчил ва қатъий давом эттириш, шу жумладан:

- ҳаво ҳарорати белгиланган даражадан иссиқ ёки совуқ бўлган кунларда ходим-

ларга ишга 1 соат кечикиб келиш ва ишдан 1 соат эрта кетиш ҳуқуқини бериш;

– давлат органларининг мансабдор шахслари сонини қисқартириш, мансабдор шахслар фаолиятида ҳашаматни чеклаш, шу жумладан, уларнинг транспорт таъминоти даражасини пасайтириш, давлат хизматчиси фаолиятида ҳашаматни кўз-кўз қилиш ҳолларини уни одоб-ахлоқ кодексини бузиш сифатида интизомий жавобгарликка тортиш амалиётини йўлга қўйиш;

– ҳомиладор ва қаромоғида вояга етмаган болалари бор аёлларга мансабвий ишлаш имкониятларини кенгайтириш орқали уларнинг меҳнат соҳасидаги ҳуқуқларини таъминлаш учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш.



IX. ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ, ИЖТИМОЙ ТЕНГЛИК ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ, ФУҚАРОЛАР ҲАМЖИҲАТЛИГИ ВА ИЖТИМОЙ БАРҚАРОРЛИКНИ МУСТАҲҚАМЛАШ ТАРАФДОРИМИЗ!

Партиямиз қонун устуворлигини янада мустаҳкамлаш асосида фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича суд механизмларининг мақбулликни таъминлаш учун қатъий ҳаракат қилади.

14
ҚАДАМ



Суд механизмларининг мақбулликни таъминлаш, қонун устуворлигини янада мустаҳкамлаш, ҳуқуқлар, мажбуриятлар ва имкониятлар тенглигига қатъий амал қилиш



- коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этган шахсларнинг реестрини юритиш ва уларнинг давлат хизматидаги киришини чеклаш;
- коррупцияга оид муносабатларни кўриб чиқиш ва натижаларини эълон қилишда очиқлик ва шаффоқликни таъминлаш;
- коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ва уларни содир этишга кўмаклашганлик учун жавобгарликни кучайтириш ҳам партиямиз олдида турган муҳим вазифалардан саналади.

Партия йўлларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, ўлимларнинг олдини олиш, тирбандликни камайтириш бўйича чора-тадбирларни кучайтириш лозим, деб ҳисоблайди. Шу мақсадда, бизнинг партиямиз бу йўналишда қўйидагиларни тақдир қилади:


- жамоат транспорти тизимини ривожлантириш, жамоат транспорти бекатларини аҳоли учун қулай қилиш, уларни ноқонуний, ўзбошимчилик билан эгаллаб олиш ҳолатларига қарши курашиш;
- автотураргоҳларни кенгайтириш, йўл атрофида пуллик автотураргоҳлар экотизимини йўлга қўйиш, янги турар жойларда автотураргоҳлар бўлиши ҳақидаги мажбурий талабни киритиш, кўп қаватли автотураргоҳларни жорий этишни рағбатлантириш;
- давлат хизматчиларини ишга жамоат транспортида қатнашишини рағбатлантириш, шахсий транспорт воситалари давлат рақами тоқ ва жуфт сонларини ҳафта кунлари ўртасида тақсимлаган ҳолда ҳаракатланишини чеклаш;
- пуллик йўлларни асосий йўлларга муқобил сифатида, уларнинг умумий майдонига таъсир кўрсатмаган ҳолда йўлга қўйиш;
- йўлларда режалаштирилаётган таъмирлаш ишлари ва уларнинг давомийлиги ҳақида камида ўн кун олдин ушбу ҳудудда ҳамда Интернет тармоғида эълон жойлаштириш орқали фуқароларни хабардор қилиш;
- автомобилларсиз кўчаларни ташкил этиш, шаҳарлар ва қишлоқларни одамлар учун қулайроқ қилиш учун бошқа чора-тадбирларни кўриш, пиёдалар ва велосипед учун йўлакларни кўпайтириш;
- автомобилларга сиқилган табиий газ баллонларини ишлаб чиқариш, ўрнатиш, мамлакатга олиб киришдан эксплуатациягача бўлган даврий техник текширувлар, синовлар билан боғлиқ барча жараёнларни рақамлаштириш орқали нуқсонли газ баллонларидан етказиладиган зарарнинг олдини олиш;
- йўл-транспорт соҳасида қонунийликни таъминлаш мақсадида ҳайдовчилик ҳуқуқидан маҳрум этиш муддатини қисқартириш имкониятидан фавқатгина бир мартаба фойдаланиш тартибини жорий этиш;
- йўлларда транспорт воситалари хавфсизлигини таъминлаш мақсадида транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказишда давлат назоратини амалга ошириш тартибини жорий этиш.

Ушбу йўналишда қўйидаги чораларни кўриш зарур, деб ҳисоблаймиз:

- одил судловни амалга оширишда халқ маслаҳатчилари ўрнига ҳакамлар ҳайъати институтини жорий қилиш;
- вилоят, туман (шаҳар) судлари раисларини ротация қилиш амалиётини жорий этиш;
- кам даромадли фуқароларнинг бузилган ҳуқуқларини ҳимоя қилишда адвокатура ва юридик хизматларнинг ижтимоий мақбулликни таъминлаш, уларга ҳуқуқий ёрдам ва хизмат кўрсатиш бўйича мақбул тизим яратиш, бепул маслаҳат берадиган "юридик клиника"лар тармоғини ривожлантириш;
- соҳавий назорат органларининг (инспекция) мустақиллиги ва мақомини кучайтириш, уларга республика ижро этувчи ҳокимият органларининг таъсирини камайтириш;
- таъйиқ ва зўравонликка учраган болалар ва хотин-қизлар руҳияти ҳамда келгуси ҳаётига салбий таъсир кўрсатишини инobatга олган ҳолда, улар ҳақидаги маълумот, расм, видеоларни ижтимоий тармоқларда тарқатишни тақиқлаш;
- фибрибгарлик жинояти бўйича жазони енгилроғи билан алмаштиришда судланувчи томонидан жабрланувчига етказилган зарар қоплатилганлигини инobatга олиш талабини киритиш;
- Давлат бюджети ҳисобидан қимматбаҳо совғалар ҳада қилишни тақиқлаш, Давлат бюджети маблағларини самарасиз ва мақсадсиз ишлатганлик учун жавобгарликни кучайтириш.

Партиямиз коррупцияга қарши курашишни ўзининг устувор вазифаларидан бири, деб ҳисоблайди. Ушбу йўналишда:

МАНФААТЛИ ВА КОНСТРУКТИВ ТАШҚИ СИЁСАТ



O'zbekiston

ХДП

Xalq demokratik partiyasi

REJA

Harakat

NATIJA

XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI VA UNING NOMZODLARIGA OVOZ BERING!

X. МИЛЛИЙ МАНФААТЛАРГА АСОСЛАНГАН ОЧИҚ, ЎЗАРО МАНФААТЛИ ВА КОНСТРУКТИВ ТАШҚИ СИЁСАТНИ ИЗЧИЛ ДАВОМ ЭТТИРИШ ТАРАФДОРИМИЗ!

15
ҚАДАМ



Ўзбекистоннинг халқаро мавқеини мустаҳкамлаш, ўзаро манфаатдорлик ва тенг ҳуқуқлилиқ асосида ҳамкорлик ва шерикчиликни фаол ривожлантириш

Ушбу йўналишда партиямиз яхши кўшничлик, минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш тамойиллари

тини амалга оширувчи шахсларни ижтимоий ва молиявий қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш



асосида, аввало, Марказий Осиё, МДХ мамлакатлари билан муносабатларни ривожлантиришга йўналтирилган ташаббускор ташқи сиёсат юритиш тарафдори.

Хусусан, бу борада қўйидагиларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратиш зарур, деб ҳисоблаймиз:

- Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро ҳужжатларга қўшилиши борасидаги ишларни изчил давом эттириш. Инсон ҳуқуқлари масалалари бўйича халқаро ва минтақавий ташкилотлар ҳамда хорижий мамлакатлар билан ҳамкорликни кучайтириш, шу жумладан, инсон ҳуқуқлари бўйича мулоқотларни мунтазам равишда ўтказиш;
- минтақавий барқарор ижтимоий ривожланиш, муқобил энергетика ва замонавий тиббиёт соҳаларида инновацион дастурлар ҳамда лойиҳаларни халқаро ҳамкорлар билан биргаликда амалга ошириш;
- Ташқи меҳнат миграцияси агентлигининг фаолиятида очиқлик ва ошкораликни таъминлаш, агентликнинг хорижда меҳнат фаоли-

- чет давлатларга меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун кетаётган фуқароларга "ишчи виза" ни расмийлаштиришга кўмаклашиш, шу жумладан, Ташқи ишлар вазирлиги ҳузурида хорижий давлатларга "ишчи виза" ҳужжатларини расмийлаштирилишига кўмаклашиш марказини очиш;
- таълим тизими ривожланган хорижий давлатлар билан ўқитувчи ва талабаларнинг тажриба алмашиш бўйича дастурлар ишлаб чиқиш ва ушбу тизимни хар томонлама рағбатлантириш;
- парламентларо алоқа институтларини ривожлантириш, гуманитар, маданият, санъат, илм-фан, спорт ва туризм, нодавлат ташкилотлар ҳамда партияларо алоқалар соҳаларида "халқ дипломатияси" усулларини қўллаш;
- мамлакатнинг халқаро нуфузини мустаҳкамлаш, инвестициявий жозибадорликни кенг тарғиб қилиш мақсадида халқаро ахборот ресурсларидан фаол фойдаланиш.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси нуқоридида кўрсатиб ўтилган устувор йўналишлар ҳамда тегишли аниқ қадамларни илгари сурар экан, бошқа сиёсий партиялар билан сайловчиларнинг қўллаб-қувватлашлари учун бўлаётган соғлом рақобат шароитида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида таъсирчан парламент фракциясини яратишни таъминлайдиган муносиб ўринга эришишни режалаштирмақда. Бир вақтнинг ўзида Ўзбекистон ХДП давлат ҳокимияти маҳаллий вакиллик органларида етакчи позицияларга эришиш йўлида кураш олиб боради.

Бу, партиянинг давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятида иштирок этиши ва дастурий мақсадларини амалга ошириши учун зарур имконият яратди.

Биз – ҳар бир инсон фаровонлигини таъминлаш тарафдоримиз! Ижтимоий тенглик учун Халқ демократик партиясига овоз беринг!

O'zbekiston XDP
Xalq demokratik partiyasi

Qonunchilik palatasiga nomzod

SAIDA ABDUKARIMOVA

REJA Harakat NATIJA

OVOZ BERING!




Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлигига Ўзбекистон Халқ демократик партиядан бир мандатли сайлов округлари бўйича кўрсатилган номзодлар

